Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 71 (4766)
29 МАРТ 1982 й
ДУШАНБА
Газета 1966 йил
1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

СССР 60 ЙИЛЛИГИГА — 60 ЗАРБДОР ҲАФТАЛИК

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ШАХДАМ ОДИМЛАРИ

• *17 апрель—коммунистик шанбалик куни*

РОССИЯ ТЎҚИМАЧИЛАРИГА

«Таштекстильмаш» машинасозлари ленинча коммунистик шанбалик куни Россия Федерацияси енгил саноатининг янги қурилишлари учун ўнта йигириш-экиш машиналарини тайёрлаб берадилар. Шу куни улар жами 170 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни мўлжалламоқдалар.

Бу ерда меҳнат байрамида тўрт мингдан кўп киши қатнашади. Шу кунларда барча участкаларда, цехларда ишчилар электр энергияни, металлни кўпроқ иқтисод қилиш резервларини қидирмоқдалар— улар деталлар ва машина узелларининг кўп қисмини тежалган материаллар ҳисобига ишлаб чиқаришни кўзда тутмоқдалар. Оширилган мажбуриятлар қабул қилинмоқда—кўплаб ишлаб чиқариш илғорлари шанбалик куни бир ярим-икки смена нормасини бажаришга аҳд қилишган.

«Қизил шанбаликда» корхона территориясини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш юзасидан кўп ишларни амалга ошириш мўлжалланмоқда.

(ЎзТАГ).

ЗАРБДОР МЕҲНАТ КУНИ

Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор тикувчиси Н. Сафронова 17 апрель куни икки смена топшириғини бажаришга қарор қилди. Моҳир тикувчининг юксак маҳорат ва малакага эга эканлиги бундай мажбуриятни ўз зиммасига олиши учун замич бўлиб хизмат қилди. «Универсал тикувчи» Н. Сафронова потокда ҳар қандай операцияни бажара олади, ёш ишчиларга ҳамиша ёрдам қўлини чўзади. Унинг иш вақтидан моҳирлик билан фойдаланиши пландан ташқари деталлар ишлаб чиқаришида ғоят қўл келмоқда. Н. Сафронованинг дугоналари тикувчи М. Минорова ва бичиқчи С. Инонов шанбаликда худди шундай юксак суръатлар билан ишлайдилар.

Корхонанинг 1400 дан кўпроқ меҳнаткаши шу куни ўз иш жойларини эгаллайди. Уларнинг ҳар бири ҳозирдаёқ меҳнат унумдорлигини ошириш резервларини қидириб топмоқдалар. Шанбалик куни ишлаб чиқарилган ҳар икки буюмнинг бири Сифат белгиси билан чиқарилади.

(ЎзТАГ).



Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз ремонти заводи электр аппаратлари цехининг илғор бригада бошлиғи, мураббий ишчи Ю. Тарасенько ёшларнинг энг яқин маслаҳатгўйидир.

СУРАТДА: мураббий ишчи ёш ишчилар А. Иванов ва Д. Давидовларга мураккаб электр аппаратларини ремонт қилиш сирларини ўргатмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

ДЕПУТАТ БИЛАН УЧРАШУВ

Ленин, Куйбишев ва Ҳамза районлари меҳнаткашларининг 115-Тошкент-Ленин сайлов округидан СССР Олий Советига депутат, СССР химия саноати министри В. В. Листов билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувни Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров очди. У давлат ҳокимияти олий органи вакили билан ҳар бир учрашув сайловчилар учун унутилмас воқеа эканлигини таъкидлади.

В. В. Листов халқ хўжалиги муҳим тармоғининг раҳбари бўлиш билан бир қаторда конун чиқарувчи олий органнинг депутати, ҳукумат аъзоси сифатида ўз иш жойида самарали меҳнат қилмоқда, ўз фаолияти билан Ўзбекистон пойтахтининг социал-иқтисодий ривожланишига, юз минглаб тошкентликларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга катта ёрдам бермоқда.

СССР Олий Советининг депутати В. В. Листов ўз нутқида республика химия саноатининг ривожланиш истиқболлари ҳақида ҳикоя қилиб берди. Ўзбекистон пойтахти иқтисодий, илмий ва маданий имкониятларининг оғишмай юксалиб бораётганлигини таъкидлади, сайловчиларнинг наказларини бажариш соҳасидаги фаолияти ҳақида батафсил тўхталди.

Учрашувда сўзга чиққан В. И. Ленин номли электрон-техника заводининг созловчиси А. Умаров, 2-марказий касалхона бош врачи М. Зияева, 1-уйсозлик комбинатининг бошлиғи Э. Рустамов ва бошқа сайловчилар депутатга ўз наказларини баён этдилар, унинг республика пойтахтининг социал-иқтисодий ривожланишига кўрсатаётган ғамхўрлиги учун миннатдорчилик изҳор этдилар, унинг кўп қиррали ҳукумат арбоби лавозимидаги фаолиятида янгидан-янги муваффақиятлар тиладилар.

МЕҲНАТДА ПЕШҚАДАМЛАР

Юксак унум билан

Шаҳримиздаги «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи шонли сана — СССРнинг 60 йиллик юбилейини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олиш учун юксак унум билан меҳнат қилмоқда. Бу ерда кўплаб ўз касбининг усталари, социалистик мусобақа ғолиблари меҳнат қилишади. Машкура Нишонова, Муяссар Низомхўжаева, Муяссар Отахўжаева бошлиқ цех ва бригада аъзолари бошқаларга намуна бўлишмоқда.

Корхонада бир беш йилликда икки беш йиллик планларини бажариш ташаббуси кенг қулоч ёйган бўлиб, чеварлар ўзаро социалистик мусобақа асосида меҳнат қилмоқдалар.

БУГУН

бирлашма чеварлари— Ноила Бухашева, Марғуба Миримова, Дилбар Исломова, Марҳамат Рўзимуҳамедовалар 1983 йилнинг март-апрель ойлари ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар.

ПРАВДА саҳифаларида

△ «Партия ташкилотларининг муҳим вазифаси»— газетанинг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

△ Ханойда Вьетнам Коммунистик партиясининг V съезди ўз ишини давом эттирмоқда. Кеча съездда самимий кутиб олинган КПСС делегациясининг раҳбари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари М. С. Горбачев нутқ сўзлади. Ўртоқ М. С. Горбачевнинг нутқи бугун газетанинг тўртинчи саҳифасида эълон қилинмоқда.

• *Қизил байроқли коллективларда*

Ютуқлар чегара эмас

КПСС XXVI съезди белгилаб берган озиқ-овқат программасини амалга ошириш борасида «Ташплодоовошч» бирлашмасининг Октябрь район улгуржи-чакана савдо идораси коллективи самарали ютуқларни қўлга киритмоқда. Коллектив зиммага олган топшириқни ортиғи билан адо этмоқда. Бунда социалистик мусобақа яхши самара бермоқда. Ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида сабзавотларни тайёрлаш бўйича зиммага олинган топшириқ 111,2 процент қилиб адо этилди. Совхоз ва колхозлардан қишга сақлаб қўйиш учун йиғилган маҳсулотлар эса пландагидан уч минг тонна ортиқ бажарилди. Чакана товароборот плани эса 6 минг сўмни ташкил этди.

1981 йилдаги Бутуниттифоқ социалистик мусобақа якунларига кўра Октябрь район улгуржи-чакана савдо идораси коллективи СССР мева-сабзавот хўжалиги министрлиги ва мева-сабзавот хўжалиги ҳамда тайёрлов ходимлари касаба союзлари Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга сазовор бўлди. Бу Қизил байроқ улгуржи-чакана савдо идораси коллективини меҳнатда янгидан-янги муваффақиятларга даъват этиб, СССР ташкил топган куннинг 60 йиллигини янада улкан ютуқлар билан кутиб олишга чорламоқда.

ЛЕКЦИЯ ИШЛАРИ САМАРАДОРЛИГИ ВА СИФАТИНИ ОШИРАЙЛИК

«Билим» жамияти Тошкент шаҳар ташкилотининг XIII конференциясидан

Жамиятнинг олдинги ҳисобот-сайлов конференцияси ўтгандан буён орадан икки йил вақт ўтди. Ана шу давр ичида мамлакатимиз, республика ва шаҳримиз ҳаётида бир қатор муҳим воқеалар бўлди. Булар— КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартияси XX съездидир.

СССР касаба союзларининг XVII съезди, унда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг нутқи катта тариҳий аҳамиятга эга воқеа бўлди. Шу кунларда тошкентликлар унинг Ўзбекистон ССРга учинчи марта Ленин ордени топшириш чоғида сўзлаган ёрқин, сермазмун нутқининг чуқур таассуроти билан яшамоқдалар. Ўзбекистон, унинг пойтахти меҳнаткашлари ажойиб меҳнат ютуқларига эришдилар. «Билим» жамияти лекторлари республика меҳнаткашларининг барча ишлари ва ташаббусларига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар партия сўзини оммага етказмоқдалар. КПСС ички ва ташқи сиёсатини пропаганда қилмоқдалар, совет кишиларида коммунизм бунёдкорларининг энг яхши фазилатларини тарбияламоқдалар. «Билим» жамияти XIII ҳисобот-сайлов конференциясида жамият ташкилотининг ҳисобот давридаги фаолияти ҳақида, янги вазифа ва режалар, лекция ишларининг самарадорлигини оширишнинг йўл ва методлари ҳақида қизғин гап борди. Правление раиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ш. Ўразаевнинг докладида, делегатларнинг сўзларида шу нарса таъкидландики, шаҳар партия ташкилоти лекция ишига катта ғамхўрлик кўрсатаяпти, лекция пропагандасининг сифатини, унинг янги инсонни тарбиялашдаги ролини ошириш тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилмоқда.

«Билим» жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти XIII ҳисобот-сайлов конференциясига ўз сафларига 23 минг аъзони бирлаштирган ҳолда етиб келди. Улар орасида 500 дан зиёд академик, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзолари, фан докторлари ва профессорлар, 5 мингга яқин фан кандидатлари ва доцентлар бор. Жамият аъзоларининг ҳар бешдан бири олий ўқув юртининг ўқитувчисидир. Жамият аъзолари орасида инженер ва техниклар, мактаб ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўқитувчилари, врач ва юристлар, адабиёт ва санъат ходимлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, бошқа кўпгина касбларнинг вакиллари бор.

Ҳисобот даврида «Билим» жамияти лекторлари 296 минг лекция ўқишди. КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1981 йил) Пленуми материаллари ва қарорларини пропаганда қилиш бу давр ичида жамиятнинг шаҳар ташкилоти диққат марказида турди. КПСС Марказий Комитетининг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарори муносабати билан СССР ва иттифоқдош республикаларнинг эришган ютуқларини, совет халқларининг қардошларча дўстлигини пропаганда қилиш ишлари кучайтирилди.

Бу фахрли ва ҳайрли ишда олимлар, В. И. Ленин номидаги ТошДУ, Тошкент олий партия мактаби, тарих институти, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фалсафа ва ҳуқуқ институти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти, В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали ва бошқа олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтларининг олимлари актив иштирок этмоқдалар.

Ҳозирги шароитда партия ва халқимиз экономикани интенсив ривожлантириш йўлига ўтказиш, йирик миқёсларда халқ хўжалиги комплекс программасини амалга ошириш сингари тарихий аҳамиятга молик вазифаларни ҳал этаётган бир пайтда иқтисодий, илмий-техникавий билимларни, илғор иш тажрибаларини пропаганда қилиш айниқса муҳим ўрин тутади. Кейинги икки йил ичида иқтисодий ва илмий-техникавий мавзуларда 46 минг лекция ўқилди. Халқ хўжалигини планлаштириш ва бошқаришни яхшилаш бўйича 6 мингга яқин лекция ўқилди. Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги базасида «КПСС XXVI съезди ривожланган социализм даврида КПССнинг иқтисодий сиёсати тўғрисида» лекторийси ишлаб турибди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиуми Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ва «Билим» жамияти ташкилоти билан биргаликда Тошкентда «Олимлар илмий-техника тараққиёти тўғрисида» мавзуида бир туркум учрашувлар ташкил этишди. У СССР 60 йиллиги ва Ўзбекистон ЛКСМ XXII съездига бағишланди. «Билим» жамиятининг кўпгина лекторлари «Тежамкорлик — коммунистик ҳислат» ва «Тежамли экономика» курслари бўйича машғулотлар олиб бормоқдалар.

Иқтисодий, илмий-техникавий, табиий-илмий билимларни пропаганда қилишда халқ университетлари муайян роль ўйнайди. Ўтган ўқув йилида шаҳарда кенг профилли 32 та халқ университети ва 21 иқтисодий, илмий-техникавий ҳамда табиий-илмий билимлар халқ университетлари ишлади, уларда 17 мингдан зиёд тингловчи шуғулланди.

Тошкентликлар шаҳарни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантириш учун курашмоқдалар. Бу вазифани ҳал этишга лекторлар, шу жумладан ҳуқуқ билимлари пропагандистлари муайян ҳисса қўшмоқдалар. «Ёшлар ва қонун», «Совет қонуни — сенинг дўстинг ва ҳимоячинг» ва бошқа лекциялар туркуми ва ёшлар лекторийлари кенг оммавийлик касб этяпти. Лектор-юристлар ҳисобот даврида корхона, муассаса ва турар жойларга ўнлаб марта коллектив суратда чиқдилар.

Лекция пропагандаси, идеология ишларида кадрлар катта роль ўйнайдилар. Ёш лекторлар мактаблари шаҳардаги 19 та олий ўқув юртида ташкил этилган. Улар ҳар йили 3 мингга яқин яхши тайёргарлик кўрган, бевосита кенг аудиторияларда лекция ўқиш кўникмаларини ҳосил қилган мутахассислар тайёрламоқдалар.

В. И. Ленин номли ТошДУ, ТИИМСХ, Беруний номли политехника институти, Низомий номли педагогика институтида ташкил этилган мактаблар ёш лекторлар тайёрлашда яхши тажриба орттиришган.

Ҳисобот даврида бундан беш йил илгари ташкил этилган шаҳар лекторлик маҳорати университети муваффақиятли иш олиб борди. Тошкент шаҳар партия комитети қошидаги марксизм-ленинизм университетининг лекторлар бўлимларида юқори малакали лекторлар тайёрланяпти. Куйбишев, Ленин, Фрунзе, Киров районлари ва «Билим» жамиятининг бошқа районлардаги ташкилотлари правлениелари лектор кадрлар тайёрлашга, активлар билан ишлашга муттасил эътибор беряпти.

Шаҳарда ўз коллективларида лекция ишлари пропагандасини оқилона, ижодий, жанговар ташкил этиб ишлаётган бошланғич ташкилотлар оз эмас. Булар— «Ташметрострой» трести, «Кибернетика», «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Таштекстильмаш» заводи, «Средазкабель» бирлашмаси ва бошқа корхоналарнинг «Билим» жамияти ташкилотларидир.

Докладчи ва музокара қатнашчилари—СССР ташқи сиёсатини ва халқаро муносабатларни пропаганда қилиш илмий-методик советининг раиси, тарих фанлари доктори, профессор А. Йўлдошев, В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси «Билим» жамияти ташкилотининг раиси Б. Морозов, Сергели район халқ университетлари советининг раиси Г. Ладиженская, «Кибернетика» бирлашмаси бошланғич ташкилотининг раиси, техника фанлари кандидати М. Мусаев ва бошқалар жамият ташкилотларининг жанговарлигини янада ошириш масалаларига асосий мақсадни қаратди.

Баъзи лекциялар ва тадбирлар меҳнат коллективларининг ҳаёти, кишиларни тўлқинлантираётган проблемалар билан бўш боғланмоқда.

Лекция пропагандасининг доимий ишловчи формалари тармоғи етарлича ривожланган эмас. Баҳслар, олим ва лекторларининг «Думалоқ стол» атрофидаги учрашувлари, савол-жавоб кечалари, тематик кечалар ва пропаганданинг бошқа қизиқарли ва мазмундор формалари айниқса ёшлар аудиторияларида кам ўтказиляпти. Лекция пропагандаси ҳали барча меҳнат коллективлари, айниқса турар жойлардаги аҳолини қамраб олган деб бўлмайди. Олдинда КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш бўйича, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги, Тошкентнинг 2 минг йиллигини муносиб кутиб олиш бўйича катта ишлар турибди.

«Билим» жамияти шаҳар ташкилотининг ревизия комиссияси иши тўғрисида комиссия раиси Ф. Мукминов сўзлади.

Конференция лекция ишлари самарадорлиги ва сифатини янада оширишга қаратилган қарор қабул қилди.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари М. Ф. Солдатов нутқ сўзлади. Конференция ишида «Билим» жамияти республика ташкилоти правлениесининг раиси С. К. Зиёдуллаев қатнашди ва сўзга чиқди.

* * *

«Билим» жамияти шаҳар ташкилоти правлениесининг янги состави, Ўзбекистон ССР «Билим» жамиятининг IX съездига ва Бутуниттифоқ «Билим» жамиятининг VIII съездига делегатлар сайланди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ш. З. Ўразаев правление раиси қилиб сайланди.

• *Шаҳримиз обод ва кўкаламзор бўлсин*

Кўчат ўтқазишни уюшқоқлик билан олиб борайлик

Серқуёш республикамиз пойтахти йилдан-йилга кўкаламзорлашиб бормоқда. Анъанага айланиб қолган кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ойлигида шаҳримиз меҳнаткашлари актив иштирок этишиб, янги хиёбонлар барпо қилишмоқда. Шунингдек, ёш чинор дарахтлари, арча кўчатлари ўтқазишиб, шаҳримиз ҳуснига янада ҳусн қўшишмоқда.

Ҳозирги кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ойлигида Куйбишев, Киров, Чилонзор райони меҳнаткашлари актив иштирок этишмоқда. Улар зиммаларига олган топшириқни белгиланган муддатда, ортиғи билан бажаришиб, шанба ва якшанба кунлари ўтказилаётган умумхалқ ҳашарларида турар жой массивларидаги, маҳаллалардаги аҳолининг актив иштирок этишини таъминлашмоқда. Бугунги кунда кўчат ўтқазиш планини маданият бошқармаси, умумий овқатланиш ва халқ маорифи Бош бошқармаси коллективлари ортиғи билан адо этишди.

Лекин баҳорги ҳашарда актив иштирок этмаётган корхона ва ташкилотлар ҳам бор. Трамвай-троллейбус бошқармаси, «Водоканал» трести, Ўзбекистон ССР савдо министрлиги кўчат ўтқазишни суст олиб бормоқда. Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, «Ўзбекбирлашув», Ўзбекистон ССР озиқ-овқат саноати министрлиги эса ҳалигача бир туп ҳам кўчат ўтқазишгани йўқ. Бу ташкилотлар ўзларига ажратилган участкаларда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларини бошлашмаган.

Кўчат ўтқазишда ҳар бир кундан оқилона фойдаланиш керак. Ана шўнда ёзнинг жазирама иссиқ кунларида шаҳримизнинг соя-салқин жойларида мириқиб ҳордиқ чиқариш мумкин бўлади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎН САККИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРИГА САЙЛОВНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)нинг 83-моддасига ва «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайлов тўғрисида» Ўзбекистон ССР Қонунининг 13-моддасига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўн саккизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайлов 1982 йил 20 июнь, якшанба кунига белгилансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1982 йил 26 март.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ССР РАЙОН (ШАҲАР) ХАЛҚ СУДЛАРИНИНГ ХАЛҚ СУДЬЯЛАРИ САЙЛОВИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)нинг 163-моддасига ва «Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судларини сайлаш тўғрисида» Ўзбекистон ССР Қонунининг 15-моддасига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судларининг халқ судьялари сайлови 1982 йил 20 июнь, якшанба кунига белгилансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1982 йил 26 март.

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

ТИНЧЛИК МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Москва ва Тошкентда сўзлаган нутқларида баён қилинган Совет ҳукуматининг Европа, Осиё ва бошқа қитъаларда тинчликни мустаҳкамлаш борасидаги навбатдаги тарихий ташаббуслари жаҳон жамоатчилигининг диққат марказида турибди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг совет касаба союзлари XVII съезди олий минбаридан туриб: «Совет Иттифоқига келганда биз ижтимоий тузумидан ва сиёсий системасидан қатъи назар, барча давлатлар ўртасида мустаҳкам тинчлик ва тинч ўзаро ҳамкорлик йўлидан қатъият билан муттасил бораверамиз», — деб айтган сўзлари ер куррасининг ҳамма нуқталаридаги миллион-миллион софдил кишиларнинг қалбидан чуқур жой олиб, қизғин маъқулланмоқда.

Маълумки, АҚШ раҳбар доиралари ва НАТО мамлакатларининг бугунги юргизаётган сиёсати мураккаб халқаро аҳволни янада кескинлаштирмоқда. Бу аҳволни Осиё ва Узоқ Шарқда, Форс кўрфази ва Яқин Шарқда, Тинч океани ва ер юзининг турли манзилларида учратиш мумкин. Бу аҳвол жаҳон халқларида асосли ва қонуний ташвиш туғдирмоқда. Империалистик доираларнинг иғвогарлик сиёсати ва НАТО блокининг фаолияти Европа қитъасидаги вазиятни ҳам кескинлаштиришни асосий мақсад қилиб олмоқда. Ана шу мақсадда аслида бўлмаган «совет хавфи» баҳона қилиниб, ҳарбий сарфлар оширилмоқда, қуролланиш пойгаси авж олдирилмоқда, ядровий, кимёвий ва бактериологик қуроллар арсенали янада кенгайтирилмоқда. Бундай қалтис қадамлар, сўзсиз, ҳам Европадаги, ҳам бутун дунёдаги тинчлик ва халқлар хавфсизлигига бевосита таҳдид солиб турибди. Ушбу қора ниятли сиёсатни оқлаш мақсадида ўз даврида шармандаси чиққан «совуқ муносабатлар уруши» жонлантирилмоқда.

Маълумки, Европа қитъасида Варшава Шартномаси мамлакатлари билан НАТО блоки аъзолари ўртасидаги ядровий кучлар нисбати тенгдир. Лекин бу расмий Вашингтонга ёқмаётир. Улар нима қилиб бўлса ҳам кучлар нисбатини ўз фойдалари ҳисобига оширмоқчи бўляптилар. Ана шу мақсадда улар Вена, Женева ва Мадриддаги учрашувларнинг бирор ижобий натижа беришига тўсқинлик қилмоқдалар. Оқ уйнинг қистови билан НАТОнинг ҳарбий кенгаши 1979 йилнинг декабрида Европада Американинг 600 та «Першинг-2» ва қанотли ракеталарини жойлаштириш ҳақида қарор чиқарди. Европада қарор топган реалликдан юз ўгириб қўйилган ушбу ҳатарли қадамлар НАТОга аъзо бўлган давлатлар халқлари тақдирини ҳам ўта хавф остида қолдиражаги наҳотки ўша машъум ҳужжатга имзо чекканларга сир бўлса? Ўт билан ўйнашиб бўлмайди. «Сиёсатда, — деб айтди ўртоқ Л. И. Брежнев 1981 йилнинг кузида Ғарбий Германияга қилган расмий сафари пайтида, — шундай вазиятлар бўладики, ўша пайт биргина қўйилган нотўғри қадам ҳам фалокатли бўлиб қолиши мумкин». Буни океан ортидагилар ҳам, НАТО пойтахтларидагилар ҳам яхши билишлари лозим.

Ана шундай шароитда тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш асосий мақсади бўлган Совет Иттифоқи янги ташаббус билан чиқди. Ўртоқ Л. И. Брежнев СССР касаба союзларининг XVII съездида бизнинг мамлакатимиз тинчлик манфаатларини кўзлаб, Совет Иттифоқининг Европа қисмидаги ўртача олисликка учириладиган совет ракеталарини ҳозирги миқдоридан оширмаслигини расмий равишда эълон қилди.

Совет ҳукуматининг бу тинчлик қарори Европадаги сиёсий аҳволнинг янада яхшиланиши томон қўйилган навбатдаги мўътабар қадамлар бўлди ва бу қарор ўз навбатида Европада ядровий қуролларни чеклаш ва қисқартиш борасида манфаатли битимга келиш учун янги уфқ ва имкониятлар очиб беради. АҚШ ва унинг НАТОдаги иттифоқчилари СССРнинг янги тинчлик ташаббусига ақли-расолик билан, тинчлик ва хавфсизлик манфаатларини кўзловчи, ижобий иш билан жавоб қайтарадиларми ёки Европадаги кескинликни кучайтиришга қаратилган сиёсатларини юргизаберадиларми, гап энди мана шунда.

Шу билан бирга Совет Иттифоқи шуни ҳам маълум қиладики, АҚШ, унинг Ғарбдаги иттифоқчилари халқлар иродаси ва жамоатчилик фикрини оёқости қилиб, Ғарбий Европада Америка ракеталарини жойлаштириш планларини амалга ошира бошласалар, унда СССР ўзининг ва қардош социалистик мамлакатларнинг мудофаасини етарли даражада сақлаш учун ҳамма зарур чораларни кўришга мажбур бўлади. Бунда ядровий қуролланиш пойгасининг кучайиши ва унинг оғир оқибатлари учун бўлган бутун жавобгарлик АҚШ ва унинг НАТОдаги шериклари зиммасига тушади.

Совет Иттифоқининг янги тинчлик ташаббуси муносабати билан чет элларда берилган баёнотларда, газета, радио ва матбуот шарҳларида СССРнинг янги тинчлик ташаббуси бутун прогрессив инсоният томонидан, кенг меҳнаткашлар оммаси томонидан мамнунлик билан кутиб олинганлиги алоҳида таъкидланмоқда, Ғарбнинг кўпгина давлат, жамоат ва сиёсий арбоблари Совет Иттифоқининг янги таклифларини Европанинг порлоқ келажаги учун қилинган ғамхўрлик деб баҳоламоқдалар. «Ўртоқ Л. И. Брежнев эълон қилган таклифлар — деб ёзади «Унэн» газетаси, — инсоният тақдири учун бебаҳо аҳамиятга эгадир, чунки у қуролланишни чеклашга ва термоядро уруши олдини олишга қаратилгандир».

Европада ва ер куррасининг ҳамма нуқталарида тинчликни мустаҳкамлаш олий мақсади бўлган Совет Иттифоқининг тинчликсевар ташқи сиёсати КПСС XXVI съезди белгилаб берган ва XX асрнинг 80-йилларига мўлжалланган совет Тинчлик программасини оғишмай амалга оширмоқда. «Партиямиз билан Совет ҳукуматимиз, —деб айтди ўртоқ Л. И. Брежнев шу муносабат билан Кремль съездлар саройида сўзлаган нутқида.— халқдан олган наказини виждонан бажармоқда, мамлакатимиз меҳнаткашларининг, қолаверса, бутун инсониятнинг мустаҳкам тинчликка, осойишта ер планетасининг осмони мусаффо бўлишига боғлаган умидларини оқлаш учун ҳамма ишни қилмоқда».

Мана 60 йилдирки, асосчиси В. И. Ленин бўлган тинчликсевар совет ташқи сиёсати ана шу олийжаноб мақсад йўлида тинмай фаолият кўрсатиб келмоқда.

Қўхна тарих инсоният бахт-саодати, тинчликни мустаҳкамлаш учун яратилган имкониятлардан фойдаланмаслик оғир оқибатларга олиб келганлигининг бир неча бор тирик гувоҳи бўлган.

Шунинг учун тарих сабоқлари, ақл-идрок талаби, халқлар ва давр талаби мазкур тарихий имкониятни қўлдан бой бермасликни, ундан тезроқ фойдаланиб қолишни тақозо этади!

Талъат СОЛИЕВ.

БАРЧА РЕЗЕРВЛАР—БЕШ ЙИЛЛИК ХИЗМАТИГА

Бугунги куннинг ўзига хос хусусиятишундаки— шаҳримизнинг меҳнат коллективларида СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига зарбдор вахта авж олмоқда. Барча қатори халқ назоратчилари ҳам шонли санани муносиб кутиб олишга интилмоқдалар. Улар камчиликларни дадиллик билан очиб ташламоқдалар ва уларнинг бартараф этилишига эришмоқдалар, коллективларда тарбиявий, тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Ўзлари зарбдорлик, юксак унумдорлик билан ишлаш намунасини кўрсатиб, бошқаларни ўзларига эргаштирмоқдалар.

• Назоратчилар тавсиялари асосида • Кенг истеъмол буюмларига—эътибор • Исрофгарчиликка ишончли тўсиқ қўяйлик • Хўжасизлик оқибати • Депутатлар билан ҳамкорликда

тошкент оқшоми

ХАЛҚ КОНТРОЛИ

МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР БИРЛИГИ

Ҳамза район халқ назоратчиларн шаҳарнинг барча назоратчиларига мурожаат этиб, ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йили план ва социалистик мажбуриятларини бажариш, моддий ҳамда ёқилғи-энергетика ресурсларини тежамкорлик билан сарфлаш учун курашга фаол кўшилишга даъват этдилар. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини ўзларининг меҳнат ва назоратчилик фаолиятларида ютуқлар билан нишонлашга чақирдилар.

Бу чақириқ, аввало ўз сафларида 6,5 мингга яқин киши бўлган районимиз назоратчиларининг ўзларига янада самаралироқ меҳнат қилиш масъулиятини юклайди. Уларнинг кўпчилиги ўз ишлаб чиқариш коллективлари билан биргаликда СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига зарбдор вахтага турдилар.

Ҳамза район меҳнатчилари шонли санага топшириққа қўшимча 15 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш, шартли 17 миллион сўмлик хом ашё ва материаллар, ёқилғи-энергетика ресурсларини тежашга аҳд қилишган. Шу боисдан халқ назоратчиларининг биринчи даражали ишларидан бири— ишлаб чиқариш резервларини қидириб топиш, иқтисод ва тежамкорлик учун курашдир.

Ўтган йил якунларидан маълум бўлдики, ишга садқидилдан киришилса салмоқли натижаларга эришиш мумкин. Масалан, назоратчилар контроли билан 6,5 минг тонна қора металл, 27 миллион киловатт-соатдан ортиқ электр энергияси, 14 минг тонна шартли ёқилғи тежалган эди.

Халқ контролининг кўпчилик бош ва цех группалари, постларининг фаслияти район саноат, транспорт корхоналарида назоратчилар обрўсини ошириш омили бўлмоқда, уларнинг сўзлари, ишлари салмоғи ўсмоқда.

Район комитети партия ташкилотлари билан мунтазам алоқада бўлиб, группалар ва постларда партиявий ядрони мустаҳкамлаш ҳақида ғамхўрлик қилмоқда. Ҳозир назоратчининг 40 процентини коммунистлар, группаларнинг деярли барча раислари бошлангич партия ташкилотлари секретарларининг ўринбосарлари, партком ва партбюроларнинг аъзоларидир.

Биз халқ назоратчиларининг ўқувига алоҳида эътибор берямиз. Уларнинг барчаси амалда ўқувнинг турли формаларига тортилган. Активистлар ва группаларнинг раислари билан машғулотлар комитет қошида ўтказилади. Назоратчилар ҳузурида координациялаш кенгаши аъзолари, хўжалик раҳбарлари, бўлим мудирлари сўзга чиқишади.

Йил якунлари бўйича энг яхши назоратчиларга мукофотлар берилади. Жумладан, ғолиб комбинати бош группаси раиси Н. Бобоева ССР халқ контроли комитетининг фахрий нишони билан, ТошМИ группаси раиси Н. Вознесенская, «Подъёмник» заводидан Б. Чичильникер, тепловоз депосидан А. Носенко Фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар. Бош группаларнинг деярли ўттиз раиси республика ва шаҳар халқ контроли комитетларининг Фахрий ёрлиқлари ҳамда қимматбаҳо совғаларига сазовор бўлишган.

Район назоратчилари ишида айрим камчиликлар ҳам бор албатта. Барча группалар ҳам имкониятлари даражасида ишлаяптилар деб бўлмайди, текшириш ва рейдлар ҳамиша ҳам чуқур ва самарали бўлавермайди. Район комитети камчиликларни бартараф этишни, қолоқ группа ва постларга уларнинг бутун фаолиятини активлаштиришда ёрдам беришни ўзининг бош вазифаларидан бири деб билади.

Н. УСМОНОВ,
Ҳамза райони халқ контроли комитетининг раиси.



Актив фаолият юритиб

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг халқ назоратчилари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига бошланган меҳнат вахтаси даврида пухта ўйлаб тузилган программа асосида фаолият юритмоқдалар. Назоратчилар хом ашё ва материалларни иқтисод қилиш ва тежаб-тергаб сарфлаш, социалистик мулкнинг сақланиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати бўйича рейд ва текширишларни мунтазам ўтказишмоқда. Халқ контролининг барча группалари тежамкорлик бўйича кўрик-конкурсга қўшилишган. Улар аниқланган камчиликларни зарур тадбирлар кўриш учун бирлашма раҳбарларига ўз вақтида маълум қилишади. Назоратчиларнинг актив фаолияти йил бошидан бери корхонада 700 минг сўмликдан ортиқ хом ашё ва материалларни тежаш имконини берди.

СУРАТДА: «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси халқ назоратчилари [чапдан-ўнгга] С. Ғуломов, А. Шукурова, Ф. Филиппов ва В. Логинова тежамкорликка бағишланган девор газетанинг навбатдаги сонини муҳокама этмоқдалар.
И. Шонноғомов фотоси.

ТЕЗ ВА САМАРАЛИ

Район халқ контроли комитетларида

Тажриба маъқулланди

Собир Раҳимов район корхоналаридаги халқ назоратчилари халқ депутатлари билан ҳамкорликда яқинда иқтисод ва тежамкорлик, социалистик мулкни асраш, автотранспортдан самарали фойдаланиш бўйича етти марта текшириш ва рейд ўтказишди. Уч текширишнинг натижаси район халқ контроли комитетига кўриб чиқиш учун топширилди, бошқаларига эса халқ депутатлари район Совети ижроия комитетининг депутатлар комиссиясининг йиғилишида кўриб чиқилди. Аниқланган камчиликларни чуқур таҳлил этиш, камчиликларни бартараф этиш бўйича белгиланган тадбирлар ишни яхшилашга катта ёрдам берди.

Халқ назоратчиларининг депутатлар билан ҳамкорликда ишлашлари жуда самарали бўлаяпти. Ҳамкорликда шаҳар санитария-эпидемиология станцияси автобазасида ўтказилган текшириш натижида социалистик мулкни асраш қоидалари бузилаётганлиги, эҳтиёт қисмлар ва ёнилғи-мойлаш материаллари ноқонуний яроқсиз деб топилаётганлиги сингари камчиликлар аниқланди. Текшириш натижаларига қараб район халқ контроли комитети база раҳбарларига икки ойлик маош миқдорида жарима тўлашни юклади. Халқ назоратчилари ва депутатлари томонидан аниқланган камчиликлар учинчи муддатда бартараф этилди.

Халқ назоратчилари ва депутатларнинг ҳамкорликда ишлаш тажрибаси оммалашмоқда. Бу тажриба ҳал қилинмаган муҳим иқтисодий ва социал вазифаларни тез ва самарали ҳал қилиш учун курашга ёрдам беряпти.

Шаҳар халқ контроли комитетида

ТАДБИРЛАР КЎРИШ ПАЙТИ ЕТДИ

Кейинги пайтда «Главташкентстр о й»-та қарашли 2-уйсозлик комбинати раҳбарлари танқид эшитишса четга қарашади. Расмиятчилик учун танқидни тан олишади, лекин унга деярли парво қилишмайди.

Айрим кишилар буни комбинатда хўжалик ҳисоби жорий этила бошлаган пайтдан бошланди, бу ердаги раҳбарлар дастлабки ютуқлардан ғурурланиб кетишди деб ҳисоблашмоқда. Нима бўлса бўлгандир, лекин фактлар фактлигича қолади: танқидий мулоҳазаларга бепарволик яхшиликка олиб келмади.

Халқ назоратчилари кўрсатиб ўтишганидек, комбинатда турар жойларини белгиланган муддатларда фойдаланишга топшириш борасида оғир аҳвол вужудга келди, иш сифати пасайиб кетди ва чала қолган ишлар ҳажми ўсди. 60-қурилиш бошқармаси (бошлиғи В. Чекин) қураётган Боткин кўчасидаги 8 ва Оҳангарон шоссесидаги 111-уйларга аҳоли кўчиб кириши кўп ойларга чўзилиб кетди. Бундай аҳволни Марказ — 17/18 кварталларида 4-қурилиш бошқармаси (бошлиғи П. Саричев) қураётган 12 ва 13-уйларда ҳам кўриш мумкин.

Қурилиш-мон т аж ишлари таннархини камайтириш бўйича план бажарилмаяпти. Аксинча, 25-қурилиш бошқармасида (бошлиғи Э. Почуканец) 145 минг сўмлик қимматлашиб кетишига йўл қўйилган.

Меҳнатни ташкил этиш даражаси пастлигича қолаяпти, бинокорлик материалларига нисбатан хўжасизлик авж олаяпти. Бу — уларнинг талонтарож қилинишига сабаб бўлаяпти.

Комбинат раҳбарлари камчиликларни бартараф этиш учун тадбирлар белгилайдиган қўйи пудратчи ташкилотларининг иши устида ишончли назоратни йўлга қўядиган вақт келганга ўхшайди.

Шаҳар халқ контроли комитети уй-жойларни фойдаланишга топшириш муддатларини бузганликлари, иш сифатининг пастлиги учун 60-қурилиш бошқармаси бошлиғи В. Чекинга, 4-қурилиш бошқармаси бошлиғи П. Саричевга ва 25-қурилиш бошқармаси бошлиғи Э. Почуканецга қаттиқ виговор эълон қилди. Тошкент 2-уйсозлик комбинати бошлиғи Ю. Винтовкин ҳам виговор олди.

Фактни рассом шарҳлайди

ҲИСОБ-КИТОБ БЎЛМАГАЧ...



Халқ назоратчилари физкультура ва спорт бўйича шаҳар комитетининг муассасалари ва ташкилотларида текшириш ўтказиб, штат-молия интизоми ва социалистик мулкнинг сақланишини таъминлашда жиддий нуқсонларни аниқлашди. Жумладан, касса операциялари нотўғри юритилаётганлиги аниқланди. Комитет кассасидан спортнинг ҳар хил турлари бўйича судьялик қилгани учун харажатларга бир мингдан то беш минггача миқдорда нақд пуллар мунтазам бериб борилади. Бундай тартиб пул маблағларининг ўзлаштириб олинишига шароит яратади. Қисман текшириш ўтказилганда катта инструктор Э. Давидовнинг ведомостлари бўйича судьялик учун ҳақ тўлашга 1391 сўм олинганлиги ҳақидаги имзолар номувофиқлиги аниқланди, катта инструктор О. Шехватовнинг икки ведомости бўйича 33 сўмлик имзолар номувофиқлиги маълум бўлди. Шундай қилиб, касса интизоми бузилган ҳолда 1427 сўм тўланган.

Шаҳар комитети раиси Н. Бойжонов ўз қўл остидагиларнинг молия-хўжалик фаолиятини бўш назорат қиляпти. Жумладан, раис ўринбосари Е. Большаков ўз имкониятидан фойдаланиб, XVIII спартакиада очилишидаги кўргазмали чиқишларни ташкил этиш учун ҳаракатларга 200 сўмни асоссиз равишда олган. Ҳаражатлар касса ордерига кредитни бошқарувчи ва олувчи сифатида имзо қўйган.

Молия маблағларини сарфлашдаги нуқсонлар Фрунзе районидаги 13, 15 ва Акмал Икромов районидаги 2-болалар спорт мактабларида ҳам аниқланди.

Шаҳар халқ контроли комитети штат-молия интизомидаги нуқсонлар, социалистик мулкнинг сақланишини таъминлашдаги камчиликлар учун Н. Бойжоновга виговор эълон қилди ва унга давлат маблағларининг белгиланган мақсадларда фойдаланилиши устидан тегишли тартиб ўрнатишни топширди.

МАҲСУЛОТ НЕГА КЎПАЙМАЯПТИ?

Ўтган йили шаҳар корхоналари 1,200 миллион сўмликдан зиёд кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришди, бу саноат маҳсулоти умумий ҳажмининг 37,5 процентини ташкил этади. Юзаки қараганда бу рақам салмоқли ва олдин белгиланганидан кўпдек кўринади. Аммо айрим корхоналарда кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш борасида амалга оширилаётган ишлар билан яқинроқ танишсангиз бу рақам ҳали салмоқли эмаслигини билиб оласиз.

Шаҳар халқ контроли комитети томонидан ўтказилган текшириш пайтида шу нарса маълум бўлдики, 16 саноат корхонаси ва бирлашмаси кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш бўйича асосий планларини бажармади. Улар 13 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бермадилар. 19 корхона эса бу бораданги суръатни 1980 йилга нисбатан пасайтириб юборди. Улар 8 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бермадилар.

Бундан шундай хулоса чиқадики, барча корхоналарнинг раҳбарлари ҳам кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш моҳиятини тушуниш иб етмаган. Улар ҳозирга қадар КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларидан тегишли хулоса чиқаришмаган кўринади.

Подшипниклар ремонти заргарлик, «Ташэлектр о м а ш», 243-граждан авиацияси, «Ташхимсельмаш», «Таштекстильмаш» ва бошқа қатор корхоналарда кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга етарли эътибор беришмаяпти. Етарли техник базага эга бўлишига қарамасдан бу жойларда аҳолига зарур бўлмаган оддий буюмларни ишлаб чиқариш билан чегараланиб қолишяпти. Қўшимча резерв ва имкониятлар ишга солинмаяпти.

Подшипниклар ремонти заводида (директори Г. Ковалев) маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш комплекс планни ишлаб чиқилмаган. Шундай экан бу ерда кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни суръатини ошириш ва сифатини яхшилаш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Ваҳоланки, бу ерда кенг истеъмол буюмлари маҳсулот умумий ҳажмининг 4,3 процентини ташкил этади.

Заргарлик заводи (директори А. Каримов) ҳам кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни ҳамон муаммога айлантириб келмоқда. Корхонада планни кўпайтириш ўрнига 1982 йилда камайтириб юборилди. Яъни 130 минг сўмликка камайтирилди. Маҳсулот сифати ҳам яхши эмас. Жумладан, тайёрланаётган 133 хил маҳсулотнинг 8 хили давлат Сифат белгисига эга. Завод ўтган йили 61 минг сўмлик маҳсулотни етказиб бермади. Маҳсулот сифатининг яхши эмаслиги учун 78 минг сўм жарима тўланди. Корхонада реализация қилинмаган 446 минг сўмлик маҳсулот тўпланди. Ваҳоланки бу буюмлар аҳолига жуда зарур.

Буларнинг ҳаммаси корхоналарнинг раҳбарларига эмас, ишлаб чиқаришга актив аралашишлари, камчиликларни, кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни судрашга сабаб бўлаётганларни аниқлашлари лозим бўлган халқ назоратчиларига ҳам тааллуқлидир. Улар кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш бўйича ишлаб чиқилган тадбирларнинг бажарилишини мунтазам назорат қилиб боришлари лозим.

Шаҳар халқ контроли комитети кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш топшириғини бажармаган, сифатини яхшилашни таъминламаган раҳбарларни қаттиқ жазолади. Маҳсулот етказиб бермаслик туфайли давлатга зарар келтирганлиги учун айрим раҳбарларга пул жаримаси солинди.

ФОТОАЙБНОМА



Тошкент кўчаларидаги қудуқларнинг қопқоғини очиб қўйиш қандай фалокатларга олиб келиши барчага аён. Жумладан, иссиқлик, канализация, водопровод қудуқларига турли чиқиндилар, хазонлар тўлиб қолади. Натижада вентиляция ва бутун система занглай бошлайди, баъзан аварияларга келиб чиқади.

Қурувчилар, коммунал хўжалик ходимларининг пала-партиш ишлари оқибатида «Марказ—17, 18» турар жой кварталларида, Волгоград, Генерал Петров кўчаларида, Луначарское шоссеси ва шаҳарнинг бошқа жойларида қудуқларнинг очилиб қолганини кўриш мумкин.

СУРАТДА: «Марказ—17» кварталидаги 31 ва 33-уйлар ёнида ярим йилдан бери қопқоқсиз турган қудуқ.

Ҳ. Шоднев фотоси.

ЖОЙЛАРДАН ХАБАРЛАР

ТЕЖАМКОРЛАР ШИОРИ

«Ҳар бир жойда ва ҳар соҳада тежамкор бўлайлик» — «Жилстрой» трести халқ назоратчилари ана шундай шиор остида текшириш ва рейдлар ўтказишмоқда. Биз қурилиш материалларидан самарали фойдаланиш, социалистик мулкни авайлаб асраш, иш сифатини яхшилаш бўйича аниқ тадбирларни белгилаб олганмиз. Халқ назоратчилари камчиликларни аниқлаб қолмасдан, ўзлари ҳам бу камчиликларни бартараф этишда фаол иштирок этишмоқда. Масалан, иқтисод ва тежамкорлик бўйича ўтказилган умумий кўрик давомида трест халқ назоратчилари 69 таклиф киритдилар. Бу таклифларнинг жорий этилиши 175 тонна металл, 250 тонна цемент, кўплаб бошқа қурилиш материалларини тежаб қолишга шароит яратди. Халқ назоратчиларини қурилиш майдонларида учратиш мумкин. Улар бу жойларда қурилиш техникасидан қандай фойдаланилаётганлигини кузатиб боришади. Кейинги пайтда ўтказилган текшириш трестига иккита минорали кранни бўшатиб бериш ва шу билан 38 минг сўмлик давлат маблағини тежаб қолишга шароит яратди.

Трест назоратчилари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига бошланган зарбдор меҳнат вахтасига актив кўшилиб, коллектив билан ҳамкорликда маҳсулот таннархини камайтириш, иқтисод ва тежамкорлик бўйича қўшимча 25 минг сўмлик маблағни тежаш бўйича мажбурият олишди.

Г. ДИДИЧЕНКО,
Тошкент қурилиш Бош бошқармаси «Жилстрой» трести халқ контроли бош группасининг раиси.

БИРГАЛИКДАГИ КУЧ-ҒАЙРАТ БИЛАН

Чинни заводининг халқ назоратчилари ишлаб чиқаришнинг барча участкалари, бўлимлар фаолиятини қамраб олишга интилмоқдалар. Ишга ана шундай ёндошиш яхши натижа беряпти. Фақат кейинги текшириш якунларининг партия бюроси мажлисларда кўриб чиқилиши барча беш цех ва халқ контроли бош группасининг актив ишидан далолат берди.

Очилган нуқсонлар натижасида автобусларни ўлчайдиган мосламалар ремонт қилинди. Бу эса хом ашё материалларини ортиш-тушдаги ортиқча сарф-харажатларнинг қисқартириш имконини берди. Пишиқ ғиштни сақлайдиган бостирма қурилди. Уларни саралаш тартибга келтирилди. Назоратчилар кўмагида моддий ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежашга қаратилган 25 дан зиёд таклиф тадбир амалга оширилди. Заводни контроль пункти ускуналари билан жиҳозлаш, кўпгина халқ дружиналари иши яхшиланди.

Улар партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари билан биргаликда қолиплаш, печь ва расм солиш цехларида санитария хоналарини ёзги мавсумга тайёрлаб қўйишди. Печь вагонларини саралаш участкасидан хом ашё олиш участкасига механизмлар ёрдамида узатиш, лой пишитилгандан кейин печь вагонларини совутишнинг вентиляция системаси монтаж қилинди, буюмларни силлиқлаш ва ялтратишни механизациялаш ишлари олиб бориляпти.

Назоратчилар ва раҳбарларнинг биргаликдаги фаолияти планида янада юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаш, технологик чиқиндиларни қисқартириш кўзда тутилган.

Шарқ юлдузи

МАРТ СОНИДА

Журналнинг навбатдаги сони ёш ёзувчи С. Исҳоқовнинг «Юлдуз» кўкда сўнади» номли қиссаси билан очилади. Проза мухлислари мазкур сонда ёзувчи Э. Умеровнинг «Иккинчи келин» қиссасидан боблар ўқишлари мумкин.

Поэзия бўлимида Уйғуннинг «Зебуннисо» шеърий драмасининг давоми, Р. Абдурашиднинг янги туркум шеърлари ҳамда ёш шоираларнинг қатор шеърлари берилган.

Э. Бобоева, К. Турдиалиевларнинг «Ойни этак билан ёпиб бўлмас» номли публицистик мақоласи ғоявий мухолифларимизнинг кирдикорларини фош қилишга бағишланган.

«Очерклар» рубрикаси остида Э. Усмоновнинг «Табиат китоби» туркумидан айрим очерклар босилган.

Мазкур сонда қозоқ адиби Ғабит Мусреповнинг 80 ёшга тўлиши муносабати билан адабиётшунос О. Шарафиддинов мақоласи, «Бизнинг календарь» рубрикаси остида К. Чуковскийнинг 100 йиллигига ҳамда С. Сиддиқнинг 60 йиллигига бағишланган мақолалар берилган.

«Танқид ва адабиётшунослик», «Тақризлар», «Йиллар, фактлар, воқеалар» ва «Гулқайчи» рубрикалари остида ҳам қатор материаллар журналхонлар эътиборига ҳавола этилган.

Бибисора ТУРОБОВА

* * *

Ота, ўзингизга ўхшайди дунё:
Қайғуси бир бўлса, шодлиги эгиз.
Ёши бир ерда-ю юмуши тиғиз...
Бугунги ташвишидан эртаси бунёд.

Сизу Сиз, дунёдан қарздормиз биз ҳам,
Ота, ўзингизга ўхшайди дунё.
Куёшни кузатиб кўйиб ётоққа,
Қўлга фонус олиб режа тузасиз.

Бўлиқ пахтазорда хорғин кезасиз:
Ғўзалар ҳалитдан кўк, маржон таққан.
Орзу денгизида мағрур сузасиз,
Қуёшни кузатиб кўйиб ётоққа...

Кўсаклар вазнини салмоқлар экан,
Бу йил сув камлиги ўйга толдирар:
«Тек турган чавандоз улоқ олдирар,
Шу палла ҳордиқни олармидим тан,

Озгина лоқайдлик доғда қолдирар..!».
Ха, Сиз курашларда обдон чиниққан!
Фақат тонгда бир зум мизғиб оласиз,
Косада совийди мен элтган ширчой.

Бу тонг ҳам шиддатли, ҳам рангларга бой.
Кўшиқ куйлаб қолар шу палла бир қиз,
Сочлар бошда чамбар, қаламлари тез.
Булар ҳам шеърга ўч қалбимга чирой.

Ота, ўзингизга ўхшайди дунё:
Кузатувчанлиги, қаттиққўллиги,
Бағрида шодлигу ташвиш мўллиги,
Қудратини Сиздан олгандай гўё!

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА

* * *

Юракда уйғотиб беғубор ҳислар,
Ёмғир ёғар эди бетин, оҳиста...
Ювилиб борарди ердаги излар,
Камалак товланиб олис-олисда.
Бу қандай кудратдир, қандай мўъжиза!
Борлиқни ғубордан қилмоқда халос.
У шундай тозаки, шундай покиза,
Шу боис мен унга қўйганман ихлос.
Хаёл дарёсида сузиб гоҳ масрур,
Дейман: шундай бир ёмғир бўлсайди:
Она ерни суйган ул ажиб ёмғир
Юрак дардларин ҳам ердек ювсайди!

Андижон.

Эрвин УМЕРОВ

ИККИ ХАТ

«ИККИНЧИ КЕЛИН»
(ҚИССАСИДАН ПАРЧА)

«Ната! Севгилим, азизим Ната!

Хатимни олиб эҳтимол куларсан.. мана бу аҳмоқни кўриб қўйинглар, дерсан, эҳтимол бир оз қувонарсан... Агар шундай бўлса бошим кўкка етган бўларди. Ната, агар бунинг устига сендан иккиуч сатр хат келса, менимча дунёда мендай бахтли одам бўлмас эди. Эҳ, Ната, Ната! Менинг ҳис-туйғуларимни, сенга бўлган муҳаббатимни хаёлингга ҳам келтира олмайсан. Начора, мен ҳеч қачон юрагимни сенга очганим йўқ. Аслида бўлса сени кўпдан бери севаман. Йиллар давомида, илк бор кўрганимдан бери севаман. Лекин буни ҳеч ким, дўстларим ҳам, сен ҳам билмас эдинглар. Чунки ҳис-туйғуларимни юрагимнинг энг теран жойида асраб келдим. Уни ҳаммадан, ҳатто ўзимдан ҳам яшириб келдим. Лекин энди тоқатим тоқ бўлди. Авваллари сени ҳар куни кўриб турар, ана шунда илҳомланиб кетар эдим. Мана ҳозир сени охирги марта кўрганимга ҳам икки ойдан ошди. Сўнгги марта... сени синфимизнинг хайрлашув кечасида кўрганман. Ўша кечага даданг билан келган эдинг. Вальсга тушдинг. Ўдед лўттибоз сен билан ўйнаб туриб бўлмағур қилиқлар қила бошлади. Мен бунга чидаб тура олмадим. Чиқиб кетдим. Қоп-қора осмонда юлдузлар милтилларди. Булбуллар сайрар, мусаффо кечада ҳаяжонли музика садоси янграр эди. Ўз кўнглимда сен билан видолашиб, уйимга йўл олдим. Лекин кета олмадим. Сени яна бир марта кўриб олишни истадим. Орқамга қайтдим. Икки соатча мактабнинг рўпарасидаги чакалакзорда ўтирдим. Тамаки чекадиган одатим йўқ. Лекин ўша кеча чўнтагимга бир кути «Спорт» сигаретасини солиб олган эдим, шунинг ярмини тугатиб, энди совуқ қота бошлаганимда даданг билан чиқиб қолдинг. Кетингиздан Ўдед ҳам чиққандай бўлди. Лекин у дарҳол кетига қайтиб кетди. Сен машинага ўтирдинг. Шофёр машина ичидаги чироқни ёкди. Юзингни очиқ-ойдин, якиндан яна бир карра кўрдим. Юзинг гўё мармардан ясалгандай оппоқ, осуда ва беташвиш эди. «Наҳотки унинг ўзи ҳам тош каби совуқ бўлса?» — деган фикр келди шу он хаёлимга. Лекин мен бу фикрни шу ондаёк миямдан чиқариб ташладим. Ҳаттоки қадимги юнонлар ясаган тош ҳайкаллар ҳам совук эмас. Наҳотки, Ната каби гўзал, нозик қиз эҳтироссиз бўлса? Йўқ-йўқ, Ната унақа эмас. У оғир, ғурурли қиз, лекин ҳис-туйғусиз, совуқ қиз эмас... Вақти билан у бировни севишга ҳам, кимнидир бахтли қилишга ҳам қодир... Шофёр қўлини калит томонга узатди, бир нарса «чиқ» этди, чироқча ўчди ва шу ондаёқ сенинг ўзинг ҳам ғойиб бўлдинг, Ната, қоронғиликка шўнғиб кетдинг. Буларнинг ҳаммаси менинг хаёлимда эртаклардаги воқеалардай бўлиб ўтди. Калит «чиқ» этди-ю, сен ғойиб бўлдинг. Кўз ўнгимдан ҳам, ҳаётимдан ҳам «кетиб» қолдинг. Шунинг таъсири бўлса керак, мен ҳозир ҳам сени афсонавий гўзалдай тасаввур қилиб турибман. Сенинг ўзинг ҳам афсонасан. Кўзларинг, олтин рангли сочларинг, узун ва нозик бармоқларинг, текис ва совуқ баданинг — буларнинг барчаси афсонавийдир... Ната... Гўзалим, жоним, севгилим Ната...

Сени йўқотганимга кўп вақт бўлмай, дўстимдан ҳам айрилдим. Эҳ, Ўдед, Ўдед, у жуда катта номардлик қилди. Мен унинг ёлғончилигига эмас, юзимга тупуриб кетганига куяман. Бу ҳолни мен ҳеч качон кечира олмайман. Одам эмас экан, мен бўлсам уни дўстим деб юрибман. Эҳтимол, сен уни кўриб тургандирсан. Хат олганингни сўраса ҳам, айтмагин, ҳеч кераги йўк...

Ната! Мен ҳозир ишлаяпман. Заводда, чилангарга шогирд тушганман. Уч ой ўтгандан кейин разрядга имтиҳон беришим керак бўлади. Бу ерда менга даставвал қийиндай туюлди, лекин ҳозирча анча ўрганиб қолдим, ишим ҳам ўзимга ёқаяпти, коллективимиз ҳам жуда яхши. Бу ерда ҳам номаъқулчиликлар учраб турипти, албатта, лекин яхшиликлар кўпроқ...

Эҳтимол, сен, заводга кириб ишлашдан осон нарса бор эканми, дерсан. Тўғри, шундай дейиш ҳам мумкин. Бизнинг мамлакатимизда иш топиш қийин эмас. Қўлидан уч пуллик иш келмайдиган баъзи «ишбилармонлар» ҳам баъзан катта кресло эгаси бўлиб олишади. Мана шунақа, лекин гап бунда эмас. Энг муҳими, киши ҳаётда ўз ўрнини топа билиши керак. Ўз жойини топиб, одамларга, жамиятга фойда келтиришга интилиш керак. Фақат ўзини, ўз қорни-ю, бала-чақасини ўйлаб иш тутадиган одам замонамизда узоққа бора олмайди. Албатта янглишади, лекин охири бориб пушаймон бўлади. Кўнглингга оғир олмагин, Ната, лекин сен касб танлаётганингда янглишаётганинг йўқмикин, деб ўйлайман. Чунки битта воқеа менга жуда таъсир қилган эди. Эсингда бўлса, саккизинчи синфда ўқиб юрган вақтимизда Раҳим Устақулов деган бола танаффусда турникдан йиқилиб қўлини синдирган эди. Унинг тирсак суяги, гўштини тешиб чиққанини кўриб, ҳаммамиз ҳам ачиниб кетганмиз. Сен бўлсанг эс-ҳушингни йўқотиб қўйгансан, бир ҳафта касал бўлиб ётгансан. На ош ўтган ўшанда сендан, на сув, фақат қайт қилавергансан. Шундай одамлар бўладики, уларнинг азобига, изтиробига лоқайд қараб тура олмайдилар. Қон кўргудек бўлсалар бир ҳолатда бўлиб қоладилар. Менимча, сен ана шундай одамлар тоифасидансан. Шундай экан, сенинг қандай қилиб хирург бўла олишингга ақлим етмайди. Даданг шундай ақлли, тушунган бўла туриб, бу ҳақда ўйлаб кўрмайдими? Ёки сенинг бахтли бўлишингни истамасмикин? Демак, сени медицина институтига киритиш имкониятига молик экани устун чиқипти-да? Агар шундай бўлса, афсус, минг карра афсус. Сенга ачинаман, жонгинам, сенга...

Айтиб ўтганимдек, мен ҳозир ишлаб турибман. Бошқа иложим ҳам йўқ, онамга ёрдам қилишим керак. Уч укамни оёққа турғазишим керак. Тўғри, агар менда бирон соҳага қаттиқ интилиш бўлганда эди, бориб бахтимни синаб кўришимга онам қаршилик қилмаган бўларди. Лекин менда унақа интилув йўқ. Ким бўлишимни ҳали ўзим ҳам билмайман. Мен миллионларнинг бириман. Дон ўстирган, пахта экан, темир-терсакка умрини бағишлаган кичкина миллионларнинг бириман. Менимча бу ҳам кичкина иш эмас. Мана шунақа «кичкина» одамлар бўлмаса, ҳаёт ҳам бўлмайди.

Бизнинг заводимизда Светлана Горчакова ҳам ишлаяпти. Лаборант бўлиб ишлайди. Ҳар замонда бўлса ҳам кўриб тураман. Уни кўришим билан сени эслайман, чунки иккингиз доим бирга юрардингиз. Мана, ҳозир ҳам кўз ўнгимда пайдо бўлдинг, жоним, кўзимнинг нури, бир кўрсам эди, узоқдан бўлса ҳам, бир секунд кўлларингдан тутсам... Ана шунда яшаш мен учун анча енгил бўларди. Лекин бу умид ҳам афсонадай гап...

Хайр, гўзалим, жавоб, хати ёз. Кутаман.

«СЕЛЯМЕТ».

«Салом сенга, Ната! Бугун ишдан кечроқ чиққан эдим. Қўналдиқ ёнига келганимда «Москва — Андижон» поезди келиб тўхтади. Зора бирор таниш тушиб қолса, деб қараб турдим. Ҳақиқатан ҳам бир эмас, уч танишим тушди. Учови ҳам синфдошларимиздан, Ленур Зейтуллаев, Нина Паценко ва Вера Арепиналар эди. Учовлари ҳам биринчи имтиҳондан йиқилишган экан, вақт кетказиб ўтирмай уйга қайтаверишибди. Улар ҳам энди ишга киришмоқчи. Менимча, заводга кириб ишлаш ниятида бўлишса керак. Вазиятни суриштиришган эди, тушунтириб бердим. Келаверишсин, бу ерга жуда кўп одам керак. Келишса ёмон бўлмас, деб ўйлайман.

Ната! Жонгинам, о, севгилим! Институтга кирганингни ҳам ўшалардан эшитдим. Сени чин қалбимдам табриклайман. Бахтиёрдирсан, деган умиддаман. Агар сенинг вақтинг хуш бўлса, бошим осмонга етган бўларди. Эҳтимол, мен янглишгандирман, эҳтимол, истеъдодинг шу медицинада билинар. Борди-ю, шундай бўлса, мен ич-ичимдан севинаман. Лекин мени бир нарса ташвишлантиряпти. Ўдед билан тез-тез учрашиб турар эмишсан. Сен унинг қанақа одам эканлигини билмайсан. Эҳтиёт бўл, жигарим, у песга ишониб бўлмайди. Сувга олиб бориб, суғормай қайтариб олиб келади.

Ўзимнинг ишларим бир меъёрда кетаяпти. Иккита сменада — заводда ва уйда ишлаяпман. Энвер билан дарс тайёрлаймиз, ундан кейин химия, чилангарлик, нефть ишлаб чиқариш соҳасидаги китобларни ўқияпман. Бу ерда ёз охирлаб қолди. Лекин бизда Тошкентдагидан кўра хали ҳам кун иссиқ бўлиб турибди. Ўттиз еттиқирқ даражагача етяпти. Шундан фойдаланиб курмоқчи бўлган уйимизга (сенга бу ҳақда ёздимми-йўқми, эсимда йўқ) етарли миқдорда ғишт қуйиб бўлдик. Унинг орасида қўрғонимизнинг бир пахсасини ҳашарчилар ёрдамида уриб олдик. Ҳашар дегани яхши нарса эканини билардим, лекин шу даражада ажойиб иш эканини билмас эканман. Бу ишдан кейин бир ёшимга ўн ёш кўшилгандай бўлди. Дунёда одамларга бошқача кўз билан қарайдиган бўлдим. Эҳ, афсуски, ўша кунни бутун тафсилоти билан ёзишга ожизлик қиламан-да. Энвер газетага юбораман, деб қоғоз қоралаб қўйган экан, лекин мен: «Тўхтаб тур, мен ўқиб чиққандан кейин юборасан» деб айтдим. Бирок ўқишга қўлим тегмай турибди. Агар арзигудек чиққан бўлса, сенга ҳам юбораман. Менимча, бунака ишни билиб кўйиш ҳам ҳеч качон зое кетмаса керак. Бундай воқеалар кишининг дунёқарашини кенгайтиришга, одамлар орасида қандай яшамоқ кераклигини ўрганишга ҳисса қўшар экан.

Азизим Ната! Сенга катта-катта муваффақиятлар тилайман, сени кўришни орзу қиламан. Узун ва нозик бармоқларингни ўпиб қоламан.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Зарбдор меҳнат вахтасида

ХОШИМИН. Жанубий Вьетнам машинасозлари Вьетнам компартиясининг бўлажак V съезди шарафига зарбдор меҳнат вахтасида турдилар. Вьетнам коммунистлари анжумани очиладиган кунгача улар пландан ташқари анча кўп миқдорда маҳсулот чиқариш, меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини кўпайтириш мажбуриятини олдилар. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ўнлаб корхоналар ишга тушди. Ҳар йили бу корхоналарда неча юз миллион донглик дизель моторлари, ҳар хил қишлоқ хўжалик машиналари ва шу сингари ускуналар ишлаб чиқарилмоқда. Вьетнам машинасозлари олти йилдан бери сурункасига давлат планларини барвақт бажармоқдалар.



Вашингтон Гватемаланинг қонхўр ҳукмдорлари билан ўз алоқасини тобора мустаҳкамламоқда. Америкалик «маслаҳатгўй»лар ташкил этган каллакесарларнинг махсус бўлинмалари тинч аҳолига азоб бермоқда. Халққа қарши режимнинг асосий бошқариш усули — таъқиб ва одам ўлдиришдир.

СУРАТДА: режим солдатлари автобус йўловчиларини тинтув қилмоқда.

ТАСС фотохроникаси.

Дунёнинг 30 мамлакатига

БЕРЛИН. Портлар ҳамда кемасозлик корхоналари учун ҳар хил кўтаргич механизмлар ва кранлар чиқарилаётган Эберсвальддаги «Кранбау» заводининг кўп минг кишилик коллективи Социалистик Иқтисодий Интеграция программасини амалга оширишда актив қатнашмоқда. Ҳозирги вақтда бу корхона ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларга кўтаргич асбоб-ускуналар етказиб берувчи энг катта корхона ҳисобланади. Завод СССРнинг ўзигагина 1700 дан кўпроқ ҳар хил типдаги кранлар юборди. Бу кранлардан кўпининг конструкцияси совет мутахассислари билан биргаликда яратилган.

ГДР машинасозлари Совет Иттифоқидаги шериклари билан биргаликда яратган янги кран мана шундай ҳамкорликнинг намунасидир. Бу кран айни бир вақтнинг ўзида иккита кемага юк ортиб-тушириш имкониятига эга эканлиги унинг ўзига хос хусусиятидир. Бу эса йирик ҳажмли юкларни ортиш-тушириш ишларини анча тезлаштиришга имкон беради. Ҳозирги вақтда Мурманск ва Росток портларида синовдан ўтаётган янги кранга «Атлант» деб ном берилганлигига ҳам кўп жиҳатдан сабаб шу.

Эберсвальддаги завод маҳсулотининг хусусияти шундаки, у бир неча тонналик юкни кўтаришга қодир бўлиб, серунум ва фойдаланиш учун чидамлидир. Шу корхоналар меҳнаткашларин и н г моҳир қўллари билан яратилган кранлар қарийб 30 мамлакатда ишлатилмоқда.

Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида

ДЕҲЛИ. Исломобод ядро қурилмасини тезроқ синаб кўришга қаратилган ядро энергияси соҳасидаги пинҳоний программаларни амалга оширмоқда. Ўтган йилнинг кузида Покистонда бўлган АҚШ конгресси экспертларидан бир группасининг докладида шундай хулоса чиқарилган. Ҳиндистон мудофаа тадқиқотлари ва анализ институти бу докладнинг нусхасини олган, деб хабар беради ЮНИ ахборот агентлиги.

* * *

ИСЛОМОБОД. Покистоннинг Панжоб вилоятидаги умумтаълим мактабларининг ўқитувчилари иш ташладилар. Улар меҳнат шароитлари яхшиланишини, пенсия таъминоти жорий этилишини ва иш ҳақи оширилишини талаб қилмоқдалар.

* * *

ТЕҲРОН. Эрон парламенти шоҳнинг Теҳрондаги Саадобод ва Ниаварон саройларидаги бўлган қимматбаҳо буюмларни сотиш тўғрисида қонун қабул қилди. Ҳукуматга собиқ монархдан колган санъат асарларини ким ошди савдосини уюштириш ҳуқуқи берилди. Заргарлик буюмлари Эроннинг марказий банкига, шоҳ ва унинг хонадонига тегишли бўлган кўпдан-кўп автомобиллар эса давлат муассасаларига топширилади. Музейбоп буюмларни сотиш тақиқланган.

* * *

ИСТАМБУЛ. «Буйрак олишни истовчилар қуйидаги телефон номери орқали қўнғироқ қилишларини сўрайман...» Туркиядаги ёш ишсизлардан бири газетага ана шундай эълон берди. «Менинг на ҳолим, на мажолим қолди ва мен бундан қутилишнинг ягона йўлини ўз буйрагимни сотишдан топаман деб ўйлайман», — деб ёзади 26 ёшли Холит Эрзинжон «Миллиёт» газетасида.

Ишсизлик ҳозир Туркияда энг кескин социал-иқтисодий проблемалардан биридир. Расмий маълумотларга кўра, мамлакатда «ортиқча» кишилар армияси ҳозирги вақтда 3,5 миллион кишидан ошиб кетган. Ёшлар ўртасида ишсизлик айниқса кўп.

«ТИНЧЛИК—БИЗНИНГ ЯГОНА КЕЛАЖАГИМИЗДИР»

ПАРИЖ. «Тинчлик китоблари» ҳалқаро уюшмасининг ташаббуси билан «Тинчлик — бизнинг бирдан-бир келажагимиз» шиори остида Франциядаги барча ўқув юртларида уруш хавфига қарши кенг кампания бошланди. Кампания доирасида тинчликни ҳимоя қилувчи уч мингдан кўп баёнот тарқатилади, уларда қуролли можаролар инсоният бошига солган даҳшатлар тўғрисида ва янги уруш олиб келадиган ҳалокат тўғрисида ҳикоя қилинади. «Тинчлигимизнинг барбод этилишига йўл қўймаймиз, биз ҳаммамиз биргаликда тинчликни ҳимоя қила оламиз!». Кампания ташкилотчилари Франциянинг ёш авлодига ана шундай даъват билан мурожаат қилмоқдалар. Ёшларни тинчлик руҳида тарбиялаш, деб таъкидлашмоқда улар, — энг муҳим вазифалардан биридир, чунки болаларни тинчликка ўргатадиган мамлакатлар урушга интилмайди.

«Тинчлик китоблари» халқаро уюшмаси бундан бир неча йил муқаддам ҳалқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофотининг лауреати Ш. Макбрайд, Лорд Ноэль-Бэйкер каби тинчлик учун таниқли курашчилар ва бошқаларнинг мадади билан ташкил этилган эди. Францияда ҳозирнинг ўзидаёқ тинчлик тарафдорларидан 10.000 дан кўп киши уюшма сафларига аъзо бўлиб кирган. Уюшма ўз фаолиятида инглиз физиги Б. Бенсоннинг «Тинчлик китоблари» гояларига амал қилади. Бу китобда эртак усулида инсоният энг даҳшатли хавф — уруш хавфидан огоҳлантирилади.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

С. УСМОНОВ: Мен уруш инвалидиман. Лекин ҳозир ҳам заводда меҳнат қиляпман. Айтингчи, агар менинг пенсия ҳамда иш ҳақим бир ойда 300 сўмдан ошиб кетса, бундай ҳолларда тўланадиган пенсия ҳажми қанча бўлиши керак?

Жавоб: Ишлаётган Улуғ Ватан урушининг биринчи ва иккинчи группа барча инвалидларига инвалидлиги бўйича тўланадиган ҳақ уларнинг иш ҳақи ва бошқа даромадлари қанчалигидан қатъий назар тўлалигича тўланади. Учинчи группа инвалидлари эса агар улар оладиган иш ҳақи бир ойда пенсия билан кўшиб ҳисоблаганда 300 сўмдан ошиб кетмаса пенсия пулини тўла ҳажмда олишлари мумкин. Агар борди-ю, уларнинг оладиган пенсия ҳамда иш ҳақи 300 сўмдан ошиб кетса, бундай ҳолларда пенсия ҳажми бир мунча камайтирилади, лекин у белгилаб қўйилган минимумдан паст бўлмаслиги (собиқ солдатлар учун у ойига 40 сўм, офицерлар учун эса 60 сўм) керак. Инвалид колхозчиларга пенсиялар улар оладиган иш ҳақи ва колхоздан кўрадиган даромадларини ҳисобга олмаган ҳолда тўла ҳажмда тўланади.

* * *

М. ҚОСИМОВ: Профессионал ҳайдовчилик касбини эгаллаб юк ташийдиган машинада ишламоқчи эдим. Шундай касбни эгаллаш учун қаерга мурожаат қилсам бўлади?

Жавоб: «Главташкентстрой» транспорт бошқармасининг 4-автомобиль транспорти корхонаси юк ташийдиган автомобилларда ишлайдиган ҳайдовчилар тайёрлайди. Бу ерда ўқиш муддати ярим йилдир. Ўқишга кирганларга ва курсдаги ўқув машғулотларини муваффақиятли ўтаган кишиларга стипендия ҳам тўланади.

* * *

Р. БЕГИМҚУЛОВ: Айтингчи, квартира олиш учун навбатда турган ишчи ёки хизматчи инвалидлик пенсиясига чиқса уларни уй-жой билан таъминлаш масаласи қандай ҳал этилади?

Жавоб: Ўзбекистон ССР Давлат уй-жой фондидан турар жойларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 17-бандига мувофиқ квартира олиш учун навбатда турган ишчи ёки хизматчи қарилиги туфайли ёки инвалидлиги сабабли пенсияга чиқса, уларнинг уй-жой олиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

* * *

О. РАҲИМОВ: Ҳаваскор югурувчилар клубига аъзо бўлмоқчи эдим. Шу боисдан қаерга бориб учрашишим, югурувчилар клубининг машғулотлари ҳозирги пайтда қаерда ўтказилаётганлиги ҳақида менга маълумот беришингизни сўрайман.

Жавоб: Бир қанча вақт ҳаваскор югурувчилар клуби — «Кентавр» клубига аъзо бўлган ҳамшаҳарларимиз ўз йиғилишлари ва машғулотларини шаҳримиздаги «Текстильшчик» стадионида ўтказишган эди. Лекин яқинда бундай машғулотларни яна «Старт» стадионида ўтказишга қарор килинди. Бинобарин Сиз шу клубга аъзо бўлмоқчи экансиз «Старт» стадионига мурожаат қилинг. Ҳар якшанба куни эрта билан соат 8 да бу ерда клуб аъзолари тўпланишади.

* * *

Э. ОЛИМЖОНОВ, Б. АБДУЛЛАЕВ: Футбол бўйича СССР терма командаси қайси Жаҳон биринчилигида энг яхши натижага эришган?

Жавоб: Футбол бўйича мамлакатимиз терма командаси 1966 йилда Лондонда бўлган Жаҳон чемпионатида энг яхши натижага эришган. Бу чемпионатда Англия терма командаси биринчи, ГФР терма командаси иккинчи ўринни эгаллаган. Ҳал қилувчи учрашувда Португалия терма командасига имкониятни бой берган СССР терма командаси тўртинчи ўринни эгаллаган.

Роза ШОКИРОВА

БУЛ КЕЧА

(Т. ЖАЛОЛОВНИНГ «ЎЗБЕК ШОИРАЛАРИ»НИ ЎҚИБ)

Қатра шабнам инди кўзга, мен паришон бўл кеча,
Кулмагай ҳандон лабим, кўнгилда афғон бул кеча.
Давридин дод айлаб ўтган ул Увайсий, Нодира
Камтарин кулбам ичинда бўлди меҳмон бул кеча.
Тақдира лаънат тошин отган ғариб Маҳзуна ҳам
Қора ўтмиш кулфатидан айтди достон бўл кеча.
Мен бахту давлатим ҳам севгилим шеърдир дебон,
Танҳо ўтган Зебуннисо ҳам намоён бул кеча.
Тингладим фарёдларин, кўзда ёш, кўнгилда ғам.
Лек ўзимнинг ҳурлигимдан бошим осмон бул кеча.
Отди тонг, кетди улар сингиб қаро тун бағрига,
Этдилар бир нурли тонгни менга эҳсон бул кеча.

Наманган.

Раззоқ АБДУРАШИД

Буюклик

Буюклик, деганда, негадир,
Кўз олдимга тоғлар келади...

Тоғларки,
Чўққилари кўкка туташган,
Қучоғида булут тунаб,
Шамол адашган.
Минг йилларга гувоҳ,
Минг сирдан огоҳ.
Тунни бедор кузатгану
Кунни бедор қаршилаган...

Хоҳ қиш бўлсин,
хоҳ кўклам

Ўзича бир олам—
Тоғлар келади...

Тубсиз даралари,
Югурик сойлари,

Туя ўркачи янглиғ қоялари,
Кунгаю соялари,

Оёқ етмас чўққилари,
Оҳулари, тўқлилари
Сирли-сирли сўқмоқлари,
Булоқлари, ирмоқлари,
Довонлари, даралари,
Турли-турли манзаралари,
Катта-кичик жонзотлари,
Хуллас, ҳамма бисотлари

Билан тоғлар кўз олдимга келади,

Тасаввур ўз ишини қилади...

Шу улкан,

Шу қадим,
Шу сарбаланд тоғлари-ку, асли,

Табиатнинг энг юксак қасри!

Уларга қараб тураман-у, бироқ,

Ўйлайман буюкликнинг ўзгача маънисини.

Ҳаёт ҳам, назаримда, мислсиз улкан тоғ.

Бордир униям юксак-юксак зирвалари,

Яхши-ёмон туҳфалари...
Илон изи сўқмоқлари,

Ҳам шаффоф булоқлари,
Хатарли қоялари,

Кунгай ҳам соялари,
Дарёси, даралари,

Ҳам турфа манзаралари...

Ана шу ҳаёт отлиғ тоғнинг
Чўққисига интилади ҳар бир тирик жон,

Аммо унга етиш бахти ҳар кимгаям

Насиб бўлмагай,

Ҳар ким ҳам ўз умри чўққисини

Яратмагай, уни кўрмагай—
Қанча яшамасин,

Қанча уринмасин,
Қанчалар кўтармасин юк!
Осмонўпар қоялар эмас,

Бир дона буғдой кўтариб,
Тошдан ҳатлаб ўтолган
Чумоли буюк!

Хулласки, буюклик тирикликда!

Бунга гувоҳ— мана шу Осмон,

Мана шу Қуёш,
Хоҳ кекса бўлайлик,
Хоҳи ёш,

Булар ҳаммамизга азиз,
Ҳаммамизга суюк.

Ҳисса шуки,
ўз умри чўққисини
ҳам яратиб,
ҳам забт эта билса ким,

Бу заҳматли,

Бу олис,
Бу оғир йўлдан
Ўта билса ким,

Ана ўша мумтоз,
Ана шудир буюк.

КОНВЕРТЛАРНИ ҚАЙЧИЛАГАНДА

«Иккаласи Навбаҳорнинг энди-энди башараси аниқланаётган кўчаларини айланиб юрарди».

* * *

«Уч яшар новвос ҳам бошини чангаллаб, чапак чалиб кетди».

* * *

—Қизнинг ёш елкаларига калта сочлари ёйилиб тушиб турар эди».

* * *

«Соқоллари 60 ёшлардан ўтган бўлса-да бирмунча оқ сийрак оралаган».

* * *

«Бу сўз домланинг ўнг қулоғига сариқ ёғдай бўлиб томилди».

* * *

«—Сен мени бошимни оғритма, ҳозир мен сени тилингни суғураман, — деб ота қизига ўрнидан туриб шапалоқ беришга тутинди. Қиз қочди. Ота қизга яқинлашдим деганда оёғи тўнкага илиниб, қўл-оёқларини ёйганича осмондан келгандай бир тушдики, ақл-хуши косасидан отилиб чиқди!..»

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

Тўзон ҳам ишлатила бошланди

Иваново бирлашмасининг қозонхонасидаги агрегатларга газ бериш тўхтатилди. Лекин корхона цехлари совиб қолгани йўқ. Аксинча, технология эҳтиёжлари учун кўпроқ буғ ҳосил қилина бошлади: ўтхонада ҳамон аланга баланд. Энди у кўпик ва ёғоч тўзонини ёқиб, ҳосил қилинмоқда.

Ёғоч тола плиталарни бичиш ва уларга ишлов беришда ҳосил бўлувчи шу чиқитлар смена охирига борганда машина-ускуналарни ва ишчиларнинг кийим-кечакларини қоплаб олар, атрофмуҳитни булғарди. Корхонанинг новаторлари поток линияларда, ҳар бир станокда пневматик қурилма монтаж қилдилар. Шу қурилма ёрдамида жамики чангтўзон тортиб олинади ва сўнгра қозонхонанинг бошқатдан ускуналанган ўтхонасига юборилади. Ишлаб чиқаришда шу йўл билан ҳаммаёқ озода қилинди ва бунинг устига арзон ҳамда юксак калорияли ёқилғи олинди. Муаллақ ҳолатда тўзон ва қипиқ смолали ёғочга қараганда яхшироқ ёнади. Шунинг учун ҳам мебель шчитларига безак бериладиган янги корпусда махсус жоди ўрнатилган бўлиб, у қиринди ва пайрахаларни майдалайди, пневмотранспорт орқали улар қозонхонага юборилади.

Иваново мебелчилари чиқитдан шу тахлитда фойдаланиб, ҳар йили 5 миллион куб метрдан кўп газни тежайдилар.

(ТАСС).

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

3 ТОШКЕНТ бет. ОКШОМИ

29 МАРТ, 1982 й.

РЕСПУБЛИКА «БИЛИМЛАР УЙИ»ДА

30 МАРТ СОАТ 18.00 ДА

Олим ва ёзувчи, филология фанлари доктори, профессор, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби

Лазиз Пўлатович ҚАЮМОВнинг

ИЖОДИЙ КЕЧАСИ

КЕЧАДА Ўзбекистон ССР ёш томошабинлар театрининг артистлари, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Гулчеҳра САЪДУЛЛАЕВА, Лутфулла САЪДУЛЛАЕВ ва бошқалар қатнашадилар.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

29 МАРТДАН БОШЛАБ

ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛАРИДА

«МАНА ЎША ЙИГИТ ҚАЙТДИ»

ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ НАМОЙИШ ҚИЛАДИ



Сценарий авторлари— А. БОРОДИН, Р. БОТИРОВ.
Режиссёр — Р. БОТИРОВ.
Ролларда — Р. САЪДУЛЛАЕВ, Ҳ. УМАРОВ, Л. ГЕРМАНОВА **ва бошқалар.**

Замонавий раҳбарнинг фақат план кўрсаткичлари учунгина эмас, балки коллективдаги маънавий иқлим учун ҳам граждалик масъулиятини кўрсатиш фильм мавзусидир. Фильмда Ўзбекистондаги йирик химия комбинатларидан биридаги бригада пудрати методини ўзлаштиришда ишчилар дуч келган ахлоқий проблемалар тўғрисида сўз юритилади.

Картина қаҳрамони—ҳарбий хизматдан сўнг қадрдон заводига қайтган ёш бригадир Рустамдир. У ўз касбини авлодларидан мерос қилиб олган ҳалол, принципиал, муросасиз ишчи. Унинг асосий фазилатлари —актив ҳаётий позиция. Бригада ҳар бир аъзосининг тақдири тўғрисида фикр юрита билишдан иборат. «Нохотиржам» бригадага раҳбарлик қилишга киришган Рустам яхши ташкилотчи ва тарбиячилик қобилиятларини намойиш этади.



«ЎЗБЕКФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг

ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ БАЗАСИДАГИ

170-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МЕТРОПОЛИТЕН УЧУН: электр поездларининг электр асбоб-ускуналарини ремонт қилувчи электр слесарь, подстанция навбатчиси, экскаватор машинисти, кучланиш подстанцияларининг электр монтёри, ҳаракатланувчи состав ремонти бўйича слесарь, слесарь-сантехник, автоматика, телемеханика ва алоқа (СЦБ) электр монтёри;

ТЕМИР ЙЎЛ УЧУН: тепловоз машинисти (10-синфни битирган, Совет Армияси сафларидан қайтган йигитлар қабул қилинади), тепловоз машинистининг ёрдамчиси, ҳаракатланувчи состав ремонти бўйича слесарь, товар-билет ва юк кассирлари, багаж ва юк қабул этиб топширувчилар, электр-газ пайвандчилар, лифтлар ремонти бўйича механиклар.

Билим юртига 8 — 10 синф ҳажмида маълумотли йигит ва қизлар қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати — 1 —3 йил.

8-синф ҳажмида маълумотли ўқувчилар билим юртини тамомлаш билан ўрта ҳунар-техника маълумоти ҳақидаги диплом оладилар ва давлат таъминотида бўладилар, уларга кийим-бош берилади. 3 маҳал овқатланадилар; 10-синф ҳажмида маълумотларга ойига 30 сўм ҳажмида стипендия берилади, тепловоз машинистлари группалари учун 72 сўм стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикасини ўтиш даврида ҳамма ўқувчиларга меҳнат ҳақи ҳисобига 50 процент ҳажмида пул мукофотлари берилади.

Билим юртини битиргач ҳамма ўқувчилар иш билан таъминланадилар.
Билим юртини аъло баҳолар билан битирганларга олий ўқув юртларига кириш учун йўлланмалар берилади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, турар жойидан ва медицина справкалари, 6 та (3х4 см. ҳажмида) фотосурат, туғилганлик ҳақида гувоҳнома ёки паспорт.

Ҳужжатлар ҳар куни соат 9 дан 17.00гача қабул қилинади.

Адрес: Тошкент шаҳар, 2-Охунбобоев кўчаси, 68-уй, (4, 9, 11, 14, 23, 28-трамвайлар; 18 54-автобуслар; 13, 16-троллейбусларнинг «Киров номли маданият ва истироҳат боғи» бекати). Телефон 53-43-52.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 30/III да **Абу Али ибн Сино** (11.00), **Оқ танлилар** (15.00). 31/III да **Келинлар кўзголони** (11.00), **(Оқ танлилар** (15.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 29/III да **Заҳар ичган даъвогар** (премьераси) (19.30). 31/III да **Дилафрўзга тўрт ошиқ** (15.00, 19.30).

КИНО

29 МАРТДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚАЕККА ҲАМ БОРАРДИ» — **Москва** (тоқ соатларда).

«ОҚ ЛИБОС КИЙГАН АЕЛ» — **Чайка** (18, 20.30) **Нукус** (18.30, 20.30).

«СЕВИШ ВАҚТИ КЕЛДИ» — **Қозоғистон** (17, 18, 20, 21.00).

«БОЛАЛИК БАЙРАМЛАРИ» — **Искра** (18., 20.00).

30 МАРТДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚАЕККА ҲАМ БОРАРДИ — **Москва** (тоқ соатларда)..

«ОҚ ЛИБОС КИЙГАН АЕЛ» — **Чайка** (12, 15, 18, 20.30). **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.30).

«СЕВИШ ВАҚТИ КЕЛДИ» — **Қозоғистон** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00).

«БОЛАЛИК БАЙРАМЛАРИ» — **Искра** (16, 18, 20.00).

ЗАМОНАВИЙ, ИХЧАМ, ИССИҚ



УРАТЕПА УСТКИ ТРИКОТАЖ ФАБРИКАСИ АЕЛЛАР ЖАКЕТИНИ (425 моделдаги)

ЧИҚАРА БОШЛАДИ

ЖАКЕТ ҲАВОРАНГ, ҚИЗИЛ, ТЎҚ ҚИЗИЛ, ЖИГАРРАНГ, КУЛРАНГ, МОВИЙ РАНГЛИ ШЕРСТЬ ИПДАН ТИКИЛГАН. **Тўғри бичилган, гул тикилган, уқалари қўлда тўқилган, ҳамиёна ёпиштирилган, тугмали.**

ЖАКЕТГА ДАВЛАТ СИФАТ БЕЛГИСИ БЕРИЛГАН.

Размерлари —44—50.
Баҳоси — 48—55 сўм.
УРАТЕПА УСТКИ ТРИКОТАЖ ФАБРИКАСИ. «ТАДЖИКТОРГРЕКЛАМА».

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

11-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1982 — 83 ЎҚУВ ИИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЕРЛАЙДИ: ёритиш тармоқларининг электр монтажчиси, иккиламчи занжирлар коммутацияси бўйича электр монтажчи, автоматика ва контроль-ўлчов асбобларини тузатиш бўйича слесарь, киномеханик (фильмларни текшириш ишини биладиган), радиотелевизион аппаратураларга хизмат кўрсатиш ва тузатиш бўйича радиомеханик.

БИЛИМ ЮРТИГА 8 — 10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН, 15 ВА ЎНДАН КАТТА ЕШДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати — 1 —3 йил.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртига тўлиқсиз ўрта маълумотлилар группасига кириб уч йил ўқиганлар ўрганган касби ҳақида ва тўлиқ ўрта маълумот ҳақида диплом оладилар. Улар кунига уч маҳал иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар;

билим юртига ўрта маълумотлилар группасига кириб бир йил ўқиганлар ўқиш даврида ҳар ойда 76 сўмдан стипендия оладилар, ишлаб чиқариш практикаси даврида меҳнат ҳақининг 33 процентини (электрмонтажчилар группасидаги ўқувчилар эса иш ҳақининг 50 процентини) оладилар.

Билим юртида эшкак эшиш ва бокс бўйича ихтисослаштирилган спорт группалари ташкил этилмоқда.

Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар электрмонтажчи ихтисоси бўйича ўқишга кирсалар ётоқхона билан таъминланадилар. Улар учун ўқиш муддати қисқартирилган: ўрта маълумотлилар 7,5 ой, тўлиқсиз ўрта маълумотлилар эса 10,5 ой ўқийдилар.

Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Билим юртини битирганлар техникумлар ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар эса корхоналардаги мажбурий хизматни ўтамай, ўрта ва олий ўқув юртларига ўқишни давом эттириш учун йўлланма билан юборилади.

Билим юрти яхши жиҳозланган спорт базасига эга. 14 та спорт секцияси доимо ишлайди. Техника ижоди тўгараги ва бадиий ҳаваскорлик тугараклари мавжуд.

АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 дан 17.00 гача ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: билим юрти директори номига ёзилган ариза, таржимаи ҳоли, характеристика, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, медицина справкаси, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки ҳарбий билет), шахсан кўрсатилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Ивановолик тўқимачилар кўчаси, 8-уй (2, 3, 18, 33, 34, 45, 66, 70, 79-автобуслар. 4, 7, 9, 11, 14, 24-трамвайлар, 2, 6, 13, 15, 16 троллейбусларнинг «Тўқимачилик» комбинати бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

206-ШАҲАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1982—83 ўқув йилига

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

автомобиль кранининг ҳайдовчиси, Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилганлар (3 классли) «С» категориядаги гувоҳнома олиш учун ўқийдилар;

автослесарь, бульдозер, скрепер, прицепли грейдер ҳайдовчиси, сувоқчи-бўёқчи, дурадгор, сантехник, электр слесарь, электр пайвандловчи.

Ўқиш муддати: 10 синф ҳажмида маълумотли йигитлар ва қизлар учун 6 ойдан бир йилгача, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун эса — 3 йил.

10 синф ҳажмида маълумотли ўқувчилар ойига 30 сўм стипендия, сантехник ва электр слесарлар—65 сўм, шунингдек ишлаб чиқариш практикаси вақтида иш ҳақининг 50 процентини оладилар. 3 йил муддат билан ўқийдиган ўқувчилар истаган олий ўқув юртига кириш ҳуқуқини берадиган ихтисослик ва ўрта маълумот бўйича диплом оладилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий, ўрта ўқув юртларига имтиёзли шароитларда қабул қилинадилар.

Билим юртини битирувчилар Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юборилдилар.

Ўқиш вақти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртида ёғоч ўймакорлиги, фото тугараклари, вокал-чолғу ансамбли ва бошқалар ишлаб турибди.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак бўлади: директор номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, спарвкалар: турар жойидан, медицина (286 форма) автомобиль крани ҳайдовчилари автомашиналар ҳайдаши учун 6 та фотосурат (4х5 см).

Ҳужжатлар ҳар куни соат 9 дан 17.00 гача (якшанбадан ташқари) қабул қилинмоқда.

Адрес: 700128, Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Хуршид кўчаси, 83-уй, (48-автобус, 23, 27, 10-трамвайлар, 10-троллейбуснинг «Лабзак» бекати). Телефон 41-38-22.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИСИ ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН ТУРИЗМ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР РЕСПУБЛИКА СОВЕТИ

1982 ИИЛ АПРЕЛЬ ОЙИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚАДИМИЙ ВА ҲАМИША НАВҚИРОН ШАҲАРЛАРИ БЎЙЛАБ МАРОҚЛИ БАҲОР САФАРИГА ЧОРЛАЙДИ.

ХИВА, БУХОРО, САМАРҚАНД, АНДИЖОН, ФАРҒОНАГА.

Сафар муддати —20 кун.

Саёҳатга жўнаш кунлари — 2, 6, 10, 14, 18, 22, 26 ва 30 апрелда.

Саёҳатга темир йўл бўйлаб ва комфортабелли автобусларда чиқилади. 2—3 ўринли замонавий туристик меҳмонхоналарда дам олинади.

БУ МАРШРУТГА КОЛЛЕКТИВ ЗАЯВКАЛАР ҲАМ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Қиймати 150 сўм бўлган бундай путёвкаларни Тошкент шаҳарида жойлашган қуйидаги адресдан сотиб олиш мумкин: Луначарский шоссеси, 115-уй путёвкалар сотиш бўлими.

Справкалар учун телефон: 66-26-41, шунингдек, сафар бошланишининг бош пункти —Хива шаҳридаги қуйидаги адрес: Бухоро кўчаси, Муҳаммадамирхон мадрасаси, «Хива» меҳмонхонаси. Хива шаҳар саёҳатлар ва экскурсиялар бюроси. Телефон 5-54-85.

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитети

182-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1982—83 ЎҚУВ ИИЛИГА

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

электрпайвандчи, дурадгор, бўёқчи.

ЎҚИШ МУДДАТИ 6 ОЙ

БИЛИМ ЮРТИГА ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ВА СОВЕТ АРМИЯСИДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАБ ҚАЙТГАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Билим юртини битирганларга диплом берилади, улар қурилиш бошқармасига ишга юборилади.

Билим юртини аъло ва яхши баҳолар билан битирганларга олий ўқув юртларига йўлланма берилади.

10- синфни битирганлар 30 сўм стипендия оладилар.

Совет Армиясида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар 60 сўм стипендия оладилар.

Ўқувчилар ишлаб чиқариш давридаги иш ҳақининг 50 проценти билан таъминланадилар.

Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига киради.

Билим юртини битирганларга «Таштрактерстрой» трестига ишга йўлланма берилади.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, 6 дона сурат (3х4 см.), медицина справкаси (286-форма).

Қабул комиссияси ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача ишлайди.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Багратион кўчаси, 4- уй, (17- автобуснинг «12- турар жой шаҳарчаси», 13-трамвайнинг «Шимолий Шарқ массиви» бекати). Телефон 64-18-41.

УЙИНГИЗДА ОРАСТАЛИК УЧУН



Сизларни «ЧИЛОНЗОР» савдо марказининг (1-қават) «ГИЛАМЛАР» секциясига

ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Биз ўзимиз яшаб турган уйнинг доим ораста ва чиройли бўлишини хоҳлаймиз. Уйимиз хоналарини турлича: картиналар, девор жиҳозлари билан безаш мумкин.

Шарқда бундай анъанавий безаклар — гилам ва палослар ҳисобланади.

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

БУ ЕРДАН СИЗ ҚУЙИДАГИЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН:

миллий нусха гуллар туширилган, турли ранглардаги жун гиламлар (Хива фабрикаси тўқиб чиқарган. Размери — 2х3 метр);

Нурота фабрикаси тўқиб чиқарган палослар. (Размери— 4.13 х 2,57 метр);

Болгария Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган палослар: (Размери— 2,34х3,90 метр);

«Чилонзор» савдо маркази соат 9.00 дан 20.00 гача танаффуссиз ишлайди. Дам олиш куни — якшанба.

«ЧИЛОНЗОР» САВДО МАРКАЗИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

29 МАРТ—ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

18.05 Мактаб ўқувчиларининг Совет Иттифоқи Қаҳрамони, «Россия» поездининг бригадири П. И. Коростилёв билан учрашуви. 18.45 «Стадион ҳамма учун». 19.15 Халқ куйлари. 19.30 «КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга!». Биринчи Давлат подшипник заводи. 20.00 М. Глинка ва П. Чайковский романсларини РСФСРда хизмат кўрсатган артист А. Ворошило ижро этади. 20.20 «Ўсвят шлёмлилари». М. Горький номли Куйбишев академик драма театри фильм-спектаклининг премьераси. Автор — Е. Носов. 21.30 «Время». 22.00 «Ўвсят шлёмлилари». Фильм-спектаклнинг давоми. 23.15 «Дунё воқеалари». 23.30 «Отамнинг шинели». Илмий-оммабоп фильм. («Центрнаучфильм»).

Марказий телевиденнинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Ҳамдўстлик» телевизион журнали. 19.15 «Қорабайир изидан». Телевизион бадиий фильм. 20.30 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.45 «Рапсодия» ансамблининг концерти. Кишинёвдан олиб кўрсатилади. 21.15 «1 апрелдан ёзги вақтга ўтилади». 21.30 «Время». 22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Киев)— «Арарат» (Ереван). Киевдан олиб кўрсатилади. 23.45 «Музикали абонемент». Созандалар музика ҳақида.

Узбекистон телевиденнесининг программалари

I

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Қуёнча Петя ва сеҳрли рояль». Кўғирчоқ фильм. 18.25 «Комсомолдан ўрнак ол». Ўзбекистон комсомолининг XXII съездига бағишланган кўрсатув. 19.00 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Ўзбекистон —Ноқоратупроққа». 2-кўрсатув (рус). 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 «Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш — озиқ-овқат программасининг асоси». 19.55 Рассом Рўзи Чориев. 20.30 «Ахборот». 20.50 Андижон область Ильич шаҳар тикув-галантерея фабрикаси дуторчи қизлар ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги. 22.15 Ўзбекистон комсомолининг XXII съезди олдидан. «Комсомол — ёшлигим менинг». 23.40 Янгиликлар.

30 МАРТ — СЕШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 «Время». 9.40 Е. Носов. «Устат шлёмлилари». Фильм-спектакль. 12.05 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Б. Феоктистов чалади (балалайка). 12.45 «Уларга Ватан парвоз учун қанот берган». Телевизион ҳужжатли фильм. 13.20 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Биламан, шаҳар қад кўтаради». Ҳужжатли фильм (Ғарбий Сибирь кинохроника студияси). 15.30 «Сизга манзур шеърлар». 16.00 От спорти бўйича СССР чемпионати. «Битца» спорт комплексидан олиб кўрсатилади. 16.45 «Расмларда қуёш акси бор». 17.00 Болалар учун фильм. «Мўмин-қобил уччилар». 1-серия. 18.05 Бутуниттифоқ болалар китоблари ҳафталигининг очилиши ҳақида репортаж. 19.00 1 апрелдан ёзги вақтга ўтилади. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Талабларингизга биноан учрашувлар. 20.30 Композитор А. Новиков қўшиқларини икки марта Қизил Байроқли А. Александров номли Совет Армияси ашула ва рақс ансамбли ижро этади. 21.30 «Время». 22.05 «СССР халқ артисти Д. Гнатюк куйлайди». Фильм-концерт. 22.15 Футбол бўйича СССР чемпионати. МАСК —«Пахтакор». Львовдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (23.00)—«Дунё воқеалари».

Марказий телевиденнинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.45 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Минск) — «Спартак». Минскдан олиб кўрсатилади. 20.30 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.45 «Тарнор эртаклари». Телевизион ҳужжатли фильм. («Экран»). 20.55 «Союзлар уйининг Колонна залида санъат усталарининг концерти. 21.30 «Время». 22.05 «Оддий ой». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 23.10 Ҳужжатли фильмлар программаси. Композитор Глазунов («Леннаучфильм»); «Калмикияда баҳор» (Оржоникидзе шаҳри, Нальчик).

Узбекистон телевиденнесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Биз «Юлдуз»да рақсга тушамиз». Фильм-концерт. 12.00 Болалар ва ўсмирлар музикаси Бутуниттифоқ ҳафталигининг ёпилиши. 18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Акаиро». Болалар учун мультфильм. 18.25 «Инсон болаликдан бошланади». 18.55 «Ёзги вақтга ўтамиз». 19.05 «Миллионлар ленинча университети». «Ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялаш — КПССнинг программ мақсади». 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 Камер куйларидан концерт (М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси педагогларининг концерти). 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси уйғур ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Ўзбекистон комсомолининг XXII съездининг очилишидан репортаж. Ўзбекистон санъат усталари ва ижрочи ёшлари концерти. Санъат саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган: Кўрсатув тугагач — Янгиликлар.

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41 ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат, — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-63-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар кўжалиги — 32-57-83 совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19. фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот—33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар — 33-29-70; вилоятлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

29 МАРТ, 1982 й. Р—07141. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси Тошкент шаҳри. В— 2524 ИНДЕКС 64691